

**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI  
ADLIYA VAZIRINING  
BUYRUGI**



**П Р И К А З  
МИНИСТРА ЮСТИЦИИ  
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

2018 йил “26” декабрь.

№ 568 -мх

«    » \_\_\_\_\_ 2018 года.

**Нотариус стажёрининг фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги  
низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида**

Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 11 октябрдаги ЎРҚ–497-сон “Юридик ёрдам ва ҳуқуқий хизматлар кўрсатиш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ–3666-сон “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига мувофиқ

**Б У Ю Р А М А Н:**

1. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2010 йил 20 октябрдаги 223-мх-сон буйруғи (рўйхат рақами 2149, 2010 йил 20 октябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 42-43-сон, 369-модда) билан тасдиқланган Нотариус стажёрининг фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомига иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилсин ва Ҳукумат баённома қарорлари ва идоравий норматив ҳужжатларни ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш бошқармаси Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестрига тегишли ёзув киритсин.

3. Ҳуқуқий хизмат кўрсатишни давлат томонидан тартибга солиш бошқармаси ҳамда Қонун ҳужжатларини таҳлил қилиш ва туркумлаш бошқармаси ушбу идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни барча манфаатдор шахсларга етказилишини, “Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами” – “Собрание законодательства Республики Узбекистан”да ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида эълон қилинишини таъминласин.

4. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

5. Мазкур буйруқ ижросини назорат қилиш вазир ўринбосари А. Ташкулов зиммасига юклансин.

**Вазир**

Тошкент шаҳри



**Р. Давлетов**



Ўзбекистон Республикаси  
адлия вазирининг  
2018 йил “26” декабрдаги  
568 мх-сон буйруғига  
илова

**Нотариус стажёрининг фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги  
низомга киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 3-бандда:  
биринчи хатбошидаги “бир” деган сўз “икки” деган сўз билан алмаштирилсин;  
учинчи хатбошидан “белгиланган тартибда” деган сўзлар чиқариб ташлансин;  
бешинчи хатбоши “адвокат,” деган сўздан кейин “суриштирувчи,” деган сўз билан  
тўлдирилсин.
2. 6-банднинг иккинчи жумласи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:  
“Бунда, қоида тарикасида, бир нотариусга битта стажёр бириктирилади.”.
3. 11<sup>1</sup>-банд “адвокат,” деган сўздан кейин “суриштирувчи,” деган сўз билан  
тўлдирилсин.
4. 16-бандда:  
биринчи хатбошидаги “камида икки” деган сўзлар “бир” деган сўз билан  
алмаштирилсин;  
иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин;  
учинчи хатбоши иккинчи хатбоши деб ҳисоблансин.
5. 16<sup>1</sup>-банд ўз кучини йўқотган деб топилсин.
6. 25-бандда:  
биринчи хатбошидаги “ҳар ойда” деган сўзлар “ҳар чоракда” деган сўзлар билан  
алмаштирилсин;  
иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин.
7. 27-банддаги “ҳар олти ой якунида, мазкур Низомнинг 16-банди иккинчи  
хатбошисида назарда тутилган стажёр эса ҳар чорак” деган сўзлар “стажировка ўташ  
муддатининг 1-3 чораги” деган сўзлар билан алмаштирилсин.
8. 28<sup>1</sup>-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:  
“28<sup>1</sup>. Стажёрнинг нотариатга тааллуқли назарий билимларни ўзлаштириш даражаси  
ва амалий тайёргарлигини назорат қилиш мақсадида у махсус комиссия томонидан  
стажировка ўташ муддатининг 1-3 чораги якуни бўйича синондан ўтказилади.”.
9. 39-бандда:  
саккизинчи хатбоши чиқариб ташлансин;  
тўққизинчи – ўн биринчи хатбошилар тегишлича саккизинчи – ўнинчи хатбошилар  
деб ҳисоблансин.
10. 40-банд ўз кучини йўқотган деб топилсин.

